


№ 13

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ



2006/1



ТАРИХ ВА ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАР

Илҳомов З.	Кўкон хонлиги дипломатик алоқалари тарихини ўқитишда манбаларнинг ўрни	59
------------	--	----

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАР

Юлдашев Ю., Айрапетян С., Акрамова Г.	Глобализация и проблемы конкурентноспособности национальной экономики Развитие малого бизнеса в республике как важнейшее направление использования трудовых ресурсов	60 63
---	---	----------

ЧҲТ ВА ЖИСМОНИЙ ТАЪЛИМ ҲАМДА СПОРТ

Туленова Х., Умарова Н.	Ёш авлодни маънавий, жисмоний жиҳатдан тарбиялашда миллий ва ҳаракатли ўйинларнинг ўрни ва аҳамияти	66
Кочкаров А.	Профессионально-прикладная физическая подготовка слушателей Академии МВД РУз по специальности «Оперативно-розыскная деятельность»	68

РОМАН-ГЕРМАН ФИЛОЛОГИЯСИ

Пиева Л.	Chet til ta'limida izchillikni ta'minlash texnologiyasi	70
----------	---	----

ДЕФЕКТОЛОГИЯ

Муминова Л.	Воспитание и обучение безречевых детей раннего возраста со сложными нарушениями развития	72
Бекмуратов Н.	Проблема психолого-педагогической подготовки студентов-дефектологов	74
Пўлатова Х.	Болалар нутқини ривожлантиришда мулоқот шакллари	76

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР МИНБАРИ

Ҳалидова Н., Қосимов А.	Олти ёшли болаларни мактаб таълимига тайёрлашнинг айрим масалалари	78 80
Сулаймонова Г., Эшчонова Г., Равшатов М.	Адъективатларнинг синтактик полифункционалиги Шеърлий асарларни таълашнинг лингвометодик жиҳатлари Мактаб биология фанида бадиий адабиётдан фойдаланишнинг тарбиявий аҳамияти	82 84 87
Соипова М., Шукурова З., Ҳайдарова Р.	Фитрат ижодида маърифатпарварлик ғоялари Рабғузийнинг ахлоқий-маърифий қарашлари Алишер Навоий «Ҳамса» асарининг ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги роли	88 90 92
Улашова С., Ҳатыпова Л., Мавлянова Н.	Темур бешигини тебратган гўша Общение в юношеском возрасте Чувствительность некоторых микроорганизмов к новому противовоспалительному препарату фенсулкалу	93 94
Ким Ж.	Воображение и его роль в развитии творческой активности современных школьников	96
Мурадимова М.	Тошкент шаҳрида иқлимлаштирилган дарахт ва буталар шираларини ўрганиш хусусида	98
Шамсутдинова Р.	Возрастные особенности младших школьников как основа формирования творческих способностей	100

Фитратнинг яна бир шеъри “Ўгут” деб номланади. Бу шеърида Фитрат ногул йигитга мурожаат қилади, йигитни миллатнинг саодати деб атаркан, унинг эскиликларни йиртиб чиқиб, юртини ёруғликка олиб чиқадиган мард қурашувчи тимсолида тасаввур қилади. Агар шундай бўлмаган тақдирда бундай одамнинг кераги йўқ, деб ҳисоблайди.

Ҳар икки шеърдан кўриниб турибдики, шоир Туркистоннинг ҳар бир фарзандини илм олишга, илм олиш орқали жаҳолат ботқоғидан чиқишга ундайди.

Ўзининг «Юрт қайғуси» деб номланган сочмасида тан олганидек, Фитрат Амир Темурга мурожаат қиларкан, билими, онги ўй-фикри ва зийраклиги билан машҳур бўлган турк халқининг шарафини тиклашга ваъда қилганди. У ўзининг бадийий ва илмий асарлари, маърифатпарварлик йўлидаги хатти-ҳаракатлари билан бунинг уддасидан чиққанига гувоҳмиз, албатта.

Фитратнинг қатор ўлмас асарлари ёшларни ҳар томонлама тарбиялашда, ўз ватанига содиқ, ростгўй, меҳнатсевар бўлиб шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун ҳозирги кунда олимнинг асарлари ўқувчи-ёшлар томонидан катта қизиқиш билан ўқиб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаримов И.А. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1994.
2. Ватан саодати. –Т.: Шарқ, 1998
3. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият, 2000.

РАБҒУЗИЙНИНГ АХЛОҚИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ

З.ШУКУРОВА, ТДПУ магистранти

Маълумки, ўтмишда аждоқларимиз томонидан яратилган кўплаб бебаҳо бадийий сўз обидалари орасида Рабғузий қаламига мансуб «қиссаси Рабғузий» асарининг ўрни ҳам беқиёсдир. XIII аср охири – XIV аср бошларида яшаб ўтган Носириддин Рабғузий ҳақида бизга тўлиқ ва етарли маълумот етиб келмаган. Рабғузий ушбу китобида ўзи ҳақида шундай дейди: «Бу китобни тузган, тоат йўлида тизган, маъсият ёбонин кезган, оз озуглиғ, Работ ўғузининг қозиси Бурхониддин ўғли Носириддин»¹.

Ёзувчининг сўзларидан кўриниб турибдики, Носириддин унинг асл исми. У Хоразмнинг Работи ўғуз деган мавзеидан бўлиб, шу ерда қозилик қилган. Рабғузий – адибнинг тахаллуси «Работи ўғуз» сўзидан олинган.

Рабғузийнинг ҳаёти ва ижодий мероси профессорлар Э.Фозилов, Н.Маллаев, доцент И.Остонақуловлар томонидан ўрганилган. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, Рабғузийнинг бизгача етиб келган ягона асари «Қиссаси Рабғузий»дир. Асар Қорахоний ҳукмдорлардан Носириддин Тўқбўғаниннг истагига мувофиқ ёзилган. Рабғузийнинг пайғамбарлар тарихига қизиқиши кучли бўлган ва бу ҳақда ўзи шундай дейди: «... пайғамбарлар қиссаларинга ғоят рағбатим бор. Тикма ерда тикма ким эрсда бўлинур, баъзиси мустақим бор, баъзиси номустақим. Бир ончаси муқаррар ва ончаси мубаттар бор»². Адиб китобни ёзишда Қуръон, Таврот, Абу Исҳоқ Нишопурийнинг форс тилидаги «Қиссас-ул анбиё»си ва бошқа манбалардан фойдаланган.

«Татар адабиёти тарихи» китобида ушбу асарнинг моҳияти тўғрисида гапирилиб, унинг муқаддимасидаги баъзи ўринлар ўз услуби билан «Кутадағу билиг»нинг муқаддимасини эслатиши айтилади. Асар тил жиҳатдан чигатой адабий тилининг илгарироқ асрларда ёзилган «Меърожнома», «Тазкираи авлиё» асарларига яқин туради³. Рабғузий китобни деярли бир йиллик тинимсиз меҳнатдан сўнг хижрий 710 йилнинг ҳут (милодий 1310 йил 21 февраль – 21 март) ойида ёзиб тугаллаган. «Қиссаси Рабғузий» анъанавий ҳамд билан бошланади, сўнг китобнинг ёзилиш сабаби, муаллифнинг ўзи ҳақида хабар берувчи қисқача сўз боши келади.

Асарнинг асосий матни етмиш икки қисса, кўплаб ҳикоятлар, шеърлардан иборат. Китобдаги қиссаларни ўқиган ҳар бир китобхоннинг унга бўлган қизиқиши ортиб, асарга янада қаттиқ боғланиб қолади. Пайғамбарлар ҳақидаги афсонавий қиссаларнинг асосий қисми диний моҳиятда бўлиб, Рабғузий уларнинг аксариятини Қуръон ва ўзга диний манбалардаги мифологик сюжетлар асосида яратган. Ҳар бир қисса таркибида ҳамиша долзарб бўлган мавзуларда ахлоқий-маърифий характердаги ҳикояларни келтиради. Пайғамбарлар ҳаётидан олинган мазкур қиссаларда у инсониятни залолатга бошлайдиган ёлғончилик, таъмағирлик, қотиллик каби ёвуз ишлардан қайтишга ундайди. Бунинг учун у ҳикояларни ҳаётий лавҳалар билан безайди ва унга диний ва дунёвий руҳни сингдиради. Масалан, Солих ялавоч (а.с) ҳақидаги қиссани олиб кўрайлик. Пайғамбарнинг асл исми Солих ибн Убай ибн Асаф ибн Фосиқ ибн Хом ибн Самуд ибн Од ибн Эрам ибн Сом ибн Нуҳ (а.с)дир. Солих ялавоч (а.с) дунёга келишдан аввал Макка аҳли бунга топинар эди. Солих (а.с)нинг отаси Косур ҳам бунга сиғиниб, уни эрта-ю кеч кўриқлаб, чиройли кийимлар кийдириб кўярди.

¹ Носириддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. –Т.: Ёзувчи, 1990. 10-бет.

² Уша асар. 11-бет.

³ Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Фан, 1977. I том. 180-бет.

Шайтон туғилажак пайғамбар Косур пуштига боғлиқлигини билгач, буднинг оғзига кириб, лойиққа: «Косурни зиндонбанд қилинлар», - дея буюради. Зиндонбанд қилинган Косур бир неча кундан кейин Оллоҳнинг амри билан зиндондан қутқарилади ва тоққа чиқиб яшай бошлайди. Кузгунинг ёрдами орқали Косур хотини Заум билан учрашади. Уша кезларда Оллоҳ таоло уларга «Оллоҳ (а.с.)ни ато қилади ва Косур шу заҳот жон таслим этади. Заум Косур билан видолашгач, Кузгунинг ташқи кўринишига қизиқиб, унга бир неча савол беради: «Заум айди: «Бошинг налуқ қарди». Кузгун айди: «Қобил Хобилини ултурмакинга ман сабаб эрдим. Мавло таоло манга не жазо берди, андин кўрқуб бошим оқарди». Заум айди: «Қорнинг налуқ қора турур» Айди: «Бир кун тамуғ асиндин кечар эрдим, ўт иссиғи мундоқ қилди», дея жавоб беради».

Кўриниб турибдики, ёзувчи кузгунинг тили орқали инсонларни ёмонликдан парҳез қилишга ҳавас қилади. Кузгунинг ташқи кифаси орқали зўр маҳорат билан ўқувчи онгига диний ва дунёвий қарашларни сингдиради. Кузгунинг жавобларидан ўқувчи ўзига хулоса чиқаради ва ёвуз иллатлардан ўзини сақлашга интилади.

«Қиссаси Рабғузий» асари пайғамбарлар, уларга хос сифатлар, уларнинг Худо томонидан эл қасига юборилган исломий фарзларни эл орасига тарқатувчи сифатида тасвирланади. Ҳар бир қисса ошланишида пайғамбарларга хос бўлган ахлоқий-маърифий сифатлар шеър билан мухтасар тарзда тасвирланади. Масалан, Идрис пайғамбар тўғрисида қисқача тафсилот ва шеър келтирилгач, насрда Идрис(а.с.)нинг ўзига хос хусусиятлари тасвирланади. Идрис (а.с.) юлдузларнинг юриш-туриши, саъд ва шадидотларини, одамларга Худо томонидан бўладиган фармонни олдиндан айтиб беради. Шунинг учун Идрис деб номланади (асл исми Аҳнуқ, уни Хурмис, яъни юлдузларни танийдиган деганлар). У ақлу ва ҳикматда, подшоҳликда, пайғамбарликда учинчи эди. Инсоният цивилизациясида биринчи бўлиб ҳақ сўз тикиб қийган, шамшир, пичоқ каби асбобларни ясаб, ҳалол меҳнат билан умр кечирган шахс деб Идрисдир.

Рабғузий бу пайғамбар сиймоси тасвири орқали илм-маърифат, касб-ҳунарни тарғиб қилиб, унинг умми шик тилни билишини ҳам далиллар асосида кўрсатиб, китобхонни тил ўрганишга, маърифатли бўлишга чорлайди. Кундузлари одамларни ёмонликдан қайтариб: «Куч қилманг, зино қилманг, хамр ичманг, қон тўкманг, хиёнат қилманг. Кундуз бу ишлар бирла туриб кечадан тонг отгунча тоат қилинган», дея уларни ёвуз ишлардан қайтариб, Оллоҳнинг ягоналигини уқтиради.

Ҳар бир қиссада ўзига хослик, ҳажмларда, композицион тузилишларда шунингдек, мазмун ва аътибори билан диний руҳдаги қиссалардаги фикрларни тўлдириб, ривожлантириб борувчи ҳаёт вақчалари ва турмуш тажрибаларига асосланган мавзулар талайгина. Шунингдек, қиссалар замирида халқ таълими ижодининг бевосита таъсири ҳам яққол кўзга ташланади. Шу жиҳатдан Сулаймон пайғамбар, Юсуф пайғамбар, Юсуф пайғамбар тўғрисидаги қиссалар алоҳида аътиборга моликдир.

Юсуф Пайғамбар ҳақидаги қиссада: «Юсуф ўн бир ўғил эрди. Оллоҳ таоло унга ўн қаромат эрди: кўрк, қилиқ, кечурмак, яловочлик, туш таъбири, кўни (тўғри) сўз, ўз (омадлиқ), авоқибат, умр вақти, суқуф», деган таъриф мавжуд. Ёзувчи Юсуфни гўзалликда беҳато инсон сифатида таърифлайди. Юсуфнинг аътиборлари, дунё яралишида Оллоҳ таоло бисотидаги гўзалликнинг тўқсон тўққиз қисмини Юсуф (а.с.)га, қолган қисмини эса барча бандаларига бўлиб берган эмиш. Бу қиссада ёзувчи ҳасадгўйлик, қийноқчилик, ёлғончилик, оқибатсизлик каби гайриинсоний иллатларни қаттиқ қоралайди. Ҳасадгўй ака-укалар ўзаро келишиб Юсуфни отаси Яъқуб (а.с.)дан айириб, азоблайдилар, юз хорликка солиб, ўлдириш ниятида қийнаб, қудуққа ташлашади. Мавло азза ва жалланинг марҳамати ила Юсуф (а.с.) тирик қолади ва акалари томонидан қул қилиб сотилади. Улар Юсуфнинг кўзидаги қонли ташларни ҳам аътибор қилишмайди. Орадан бир қанча ғам-андуҳли кунлар ўтади. Тақдири азалга кўра Юсуф Азизи Мисрнинг ўрнига шох бўлиб, юртни бошқаради. Оллоҳнинг изни билан Юсуф акалари билан учрашади. Уларнинг қилимишидан озор чеккан, зада бўлган бўлса-да, уларни кечиради. Акалари билан қилган ишларидан пушаймон бўлиб, тавба-тазарур қилишади. Қиссада ёзувчи манманлик, қабурликнинг аянчли оқибатларини ҳам кўрсатади. Масалан: Юсуф пайғамбар бир кун ўзига-ўзи оқиб, шунча ҳусним билан қул қилиб сотилсам, қанча баҳога сотилар эканман, - дейди. Шу гапи учун Оллоҳ таоло уни жазолаб, қул қилиб соттиради.

Асарда шунингдек, зино қилиш, кишиларга зулм қилиш, таъмагирлик, ёлғон сўзлаш каби гайриинсоний иллатлар қаттиқ қораланади. Зулайҳо Юсуфни бир кўришдаёқ севиб қолади ва Юсуфга таъбир билан қаср қурдиради. У қасрнинг етти эшиги бор. Ҳар томонга Юсуф билан Зулайҳонинг суратлари ўширилган. У қасрга Зулайҳо Юсуфни олиб келиб, меҳмонга чорлаб, зинога ундайди. Юсуфнинг бу суратга рабати бўлмай, ўзини олиб қочади. Чунки у Оллоҳнинг ғазабидан қўрқади, Зулайҳони шаръий қаноғига олмақчи бўлади. Зулайҳо Юсуфнинг бу ҳаракатидан ғазабланиб Азизи Мисрга уни айбдор қилиб кўрсатади. Шунда Мавло таолонинг марҳамати ила Талхоннинг тўрт ойлик боласи тилга кириб: «Юсуф кўйлагининг ўнги йиртиқ бўлса Зулайҳо ҳақ, кўйлагининг ичи йиртиқ бўлса Юсуф ҳақ бўлади», дейди. Зулайҳо мулзам бўлиб қолади.

Рабғузий ҳар бир пайғамбар сиймосига мана шундай ёшлар тарбияси учун зарур бўлган эзгу ислатларни сингдиради, китобхонни маънавий пок бўлишга чорлайди. Авторнинг ҳаётий деталларни аниқлаштириб, Қуръон ва ҳадислардан далиллар келтириши асарнинг янада ўқишли бўлишини таъминлаган.

Ёзувчининг воқеалар ривожда мифологик тасвирлардан фойдаланиши асарнинг кимматини янада оширган. Масалан, Юсуфнинг акалари далада қандай қилиб укасини даф қилиш чорасини излай-излай ахийри Юсуфнинг кийимларини ечиб, уни кудукқа ташлаб, либосини оталарига олиб боришади. Яъқуб (а.с) уларнинг гапига ишонмагач, улар бир бўрининг оғзини қонатиб, олиб келадилар. Бўри Мавло азза ва жалланинг инояти билан тилга кириб, шундай дейди: "...ман Юсуфни кўрмишим йўқ. Уч кун бўлди очман, кўзум ёрука ўғлонимни йнтуруб турурман. Ул аччиғдин уч кун бўлди ош емишим йўқ. Ўғлонимни тилаюрда бу ёлғончилар мани тутиб, оғзимга қон суртуб, санга келтирдилар. Эй, Яъқуб дуо қилгил, бўлғайким санинг дуойинг баракотида ўғлумни манга рўзи қилғай". Яъқуб (а.с) дардига яна минг дард кўшилиб, зор-зор йиғлаб, кўзи кўр бўлиб қолади. Бўрининг тилга кириб, акаларнинг сирини фош этиши орқали ёзувчи ҳасадгўйлик, ёлғончилик, бадкирдорликни қоралайди.

Хулоса қилиб айтганда, Рабғузийнинг "Қиссаси Рабғузий" асари ҳанузгача ўз бадиий-эстетик аҳамиятини йўқотмаган илк туркий наср намунасидир. Унда биз диний қонун-қоидалар, фарз ва суннатлар тарғиби билан бирга, барча замонлар учун зарур бўлган поклик ва ростлик, вафо ва садоқат, инсонийлик, меҳнатсеварлик, ҳалол ризқ топиб яшашга, барча инсонларга яхшилик қилишга даъватни ҳам кўрамыз.

АЛИШЕР НАВОЙ «ХАМСА» АСАРИНИНГ ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШДАГИ РОЛИ

Р.ҲАЙДАРОВА, ТДПУ магистранти

Ўзбек ҳалқининг фарзанди, улуғ шоир, олим, маърифатпарвар, инсонпарвар Алишер Навоий (1441-1501) XV асрда – темурийлар даврида яшади, ижод қилди. Комусий билимлар соҳиби, буюк мутафаккир Навоий фан ва санъатнинг турли соҳалари: адабиёт, тарих, тил билимлари, мусиқа, хаттотлик, тасвирий санъат, меъморчилик ва бошқаларни ривожлантириш билан бирга, таълим – тарбияни такомиллаштиришга ҳам катта эътибор берган. У ўзининг «Хамса», «Маҳбуб ул-қулуб» каби йирик таълимий – ахлоқий асарларида, шунингдек, «Муножот», «Вақфия», «Мажолисун нафоис», «Муҳокамат ул-луғатайн» асарларида ҳамда Абдурахмон Жомийнинг «Арбаъийн» номли асари таржимаси «Чихил ҳадис» («Қирқ ҳадис») қабиларда тарбияга оид ўз қарашларини ифода этади. А. Навоий нафақат ўз асарлари орқали, балки ижтимоий фаолияти орқали ҳам мамлакатда таълим-тарбиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Хусайн Байқаро тахтни эгаллагач, Навоийни саройда ишлашга чақиради. А.Навоий саройга келиши билан давлат ишларида бирмунча силжишлар рўй беради. У шохнинг диққатини ва ўз фаолиятини тараққийпарварликка томон, мамлакатни обод қилишга, юртда тинчлик ўрнатишга томон қаратди. Шунинг билан бирга, у темурийлар давлатини мустаҳкамлаш, мамлакатда ўзаро урушларга йўл қўймаслик учун кураш олиб борди. Мамлакатни ободонлаштириш, халқни маърифатли қилиш учун ўз қўлидаги бойликни аямай сарф этди.

Алишер Навоий ўз даврининг илғор маърифатпарвар алломаси сифатида исломдаги таълим-тарбия ақидалари, ўздан илгари ўтган мутафаккирларнинг қарашларини анъанавий тарзда давом эттирди. Айниқса, инсон камолотида илм-фаннинг ўрни, ақл-идрокнинг аҳамияти, ақлий тарбия, маънавий-ахлоқий тарбиянинг моҳиятини ёритиб берди.

Алишер Навоий ўзининг бадиий асарларида комил инсонлар образини яратиб, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини ифодалаган бўлса, таълимий-ахлоқий асарларида эса комил инсонни шакллантиришнинг мазмуни, йўллари, усулларини баён этди.

Навоий тасаввурдаги комил инсонга хос бўлган энг юксак фазилатларга ижодкорлик, қобилият, илм-фанга муҳаббат қиради. Навоий фикрича, оқил, қобилиятли, доно инсон ўзининг куч-қувватига ақлу заковатига ишонади. Бу фикрини «Назм ул жавоҳир» асарида:

Ким олим эса нуқтада барҳақ де они,
Гар базм тузар биҳишти мутлоқ де они.
Ҳар кимсаки йўқ илмга анча аҳмақ де они,
Мажлисдаги илм бўлса, учмақ де они.¹

Яъни илмни, оқил одам ўз мақсадига эришиш учун ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтади, қанча илмни ўзига таянч қилиб олса, у ҳеч қачон қоқилмайди, хор бўлмайди, чунки илмнинг вазифаси инсоннинг бахт – саодатига хизмат қилишдир, деб таъкидлайди.

Алишер Навоийнинг тарбиявий ва илмий аҳамиятга эга бўлган, бутун дунёга машхур, шох асар «Хамса» ҳисобланади. Бу асар беш дostonдан иборат бўлиб, жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга «Хамса»га киритилган дostonларнинг биринчиси – «Ҳайратул аброр» («Яхшиларнинг ҳайратланиши»)дир. Навоий бу дostonда ҳаётнинг энг муҳим томонлари тарбия ва инсоний фазилатлар ҳақида сўзлайди.

Дostonга киритилган бобларда адолат, муруват ва саҳийлик, одоб ва камтарлик, қаноат, инсоф, вафо, ишқ, ростгўйлик, дўстлик ва биродарлик, бир – бирига ёрдам бериш ва бошқа ажойиб инсоний фазилатлар, илм ва олимлар, меҳнатқашлар ҳақида кенг ва атрофлича фикр юритилади. Шу билан бирга, бу дostonнинг ҳар бир мақоласи охирида инсоннинг олижаноб фазилатларини қуйловчи хикоят бериледи. Шу билан бирга, А.Навоий «Ҳайратул аброр» дostonида жамият ичидаги ярамас одамларга